



## "ЗУЛМГА ҚАРШИ 7 КУН": 4-ЧИ ҲАФТА ВАРАҚАСИ



### Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг МУРОЖАТИ

#### Хурматли ватандошлар!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок қилиб, ўтган ҳафтада эълон қилган варақачамизни мамлакатимизда тарқатган юртдошларимизга миннатдорлигимизни изҳор этамиз. 7 кун мобайнида ЎХХ логотипи ва “Ўзбекистонда газ захиралари ва электр станциялари кўп бўлатуриб, нега кишлоқларда газ ва свет йўқ? Максад нима? Ўзбекни эзиб, қирғин қилишми?” деган сўзлар акс этган варақаларимиз мамлакатимиз кўчаларида тарқатилгани ҳақида хабар келмаган бўлса-да, тарафдорларимиз ва бошқа юртдошларимиз ушбу варақамизни ҳам юртимизда фаол тарқатганига аминмиз.

Тошкентдан олинган хабарларга кўра, ўтган ҳафтада ЎХХ сайтига уюштирилган ҳақер ҳужуми ортида Ўзбекистон Миллий ҳавфсизлик хизмати бўлиб, уларни жунбушга келтирилган ва жазавага туширилган сабаблардан бири сайтимизда “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳаси доирасида эълон қилинаётган ҳафталик варақалар экан. Аниқроғи, “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида ватандошларимизнинг фаол иштирок қилиб, варақаларимизни мамлакатимиз кўчаларида кенг тарқатаётгани Каримов махсус хизматларини бу тарзда қимирлашга ва ЎХХ сайтига ҳужум уюштиришга мажбур қилган. Ўзбекистондаги минглаб бекат ва симёғочларни назоратга олиш имкони

йўқлигидан Ўзбекистон Хавфсизлик Кенгашидаги идеологлар ва МХХ раҳбарияти охириги ҳамда осон чора сифатида ЎХХ сайтини ишдан чиқаришга қарор қилганлар.

Бундан кўриниб турибдики, Каримов диктатурасини ағдариш йўлидаги ҳар қандай амалий ҳаракат, озодлик ва адолатга эришиш йўлидаги кичик бир амалий қадам мустабид тузум малайларини шошириб қўймоқда. Бундай вазиятда зулмга қарши амалий ишларимизни янада жадалроқ сурбатларда ва кенгрок микёсларда олиб боришимиз кераклиги ҳам аён бўляпти. Золимлар бизга қарши бир қадам ташлашса, биз уларга қарши уч қадам ташлайлик!

“Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасининг тўртинчи ҳафтасида фаолларимиз, тарафдорларимиз, эркинлик ва адолат руҳидаги бошқа юртдошларимизга навбатдаги варақачамизни тақдим этамиз. Тўртинчи ҳафта варақасида ЎХХ логотипи остида “ЎЗБЕКИСТОНДА БЕГУНОХ МУСУЛМОНЛАРНИ ҚАМОҚДА ЧИРИТАЁТГАН РАҲБАР КИМ? ЎЗБЕК ТАДБИРКОРЛАРИНИ ТАЛАЁТГАН СУЮҚОЁҚ АЁЛ КИМ?” деган саволни беришни маъқул топдик.

Бу сафарги варақачамизда айнан шу муаммони кўтариб чиқишимизга сабаб Каримов режими томонидан турли баҳона ва тухматлар билан минглаб бегуноҳ мусулмонларнинг муттасил қамалаётгани ҳамда кўзга кўринган ўзбек тадбиркорларининг Гулнора Каримова томонидан талон-тарож қилинаётганидир. Ушбу икки савол ватандошларимизни сиёсий фирқлашга ундаб, савол шаклида кўтарилган муаммоларнинг асл сабаби Каримов диктатураси эканлигини англашга етаклайди, деган умиддамиз. Агар юртдошларимиз ушбу варақачани кенг тарқатишса, кўплаб ватандошларимизнинг қалбига етиб бориб, улардаги сиёсий фаолликнинг ошишига сабабчи бўладилар.

Келинг, шу вазиятда, биз, оддий ўзбекистонликлар, халқимизни қийнаётган ана шу муаммоларни кўтариб, “ЎЗБЕКИСТОНДА БЕГУНОХ МУСУЛМОНЛАРНИ ҚАМОҚДА ЧИРИТАЁТГАН РАҲБАР КИМ? ЎЗБЕК ТАДБИРКОРЛАРИНИ ТАЛАЁТГАН СУЮҚОЁҚ АЁЛ КИМ?” деган саволларни юртдошларимизга етказайлик! Ҳар биримиз шу варақачадан ҳеч бўлмаса 7 тасини одам кўп тўпланадиган жойларга ёпиштириб чиксак, биз ўз озодлигимиз учун жонбозлик кўрсатган бўламиз.

#### Азиз юртдошлар!

Қуйида ҳавфсизлигингизга оид бир қатор маслаҳатларимизни яна эслатмоқчимиз. Варақачамизни принтердан чиқараётганда ҳамда бекатлар, деворлар ва симёғочларга ёпиштираётганда ўта хушёр бўлишни, иложи бўлса, атрофда ҳеч ким йўқ пайтларда ёпиштиришни тавсия этамиз.

Бир марта варақа ёпиштирган жойингизга иккинчи марта варақа ёпиштирмаганингиз маъқул. Варақаларни бегона одамларнинг принтерларидан, айниқса, компьютер клублари ва интернет-кафелардаги принтерлардан чиқармасликни тавсия этамиз.

Бундан ташқари, варақачамизнинг электрон версиясини компьютерларингизда узоқ сақламасликни, варақачаларни ёпиштириб бўлгандан кейин компьютерларингиздан иложи борича тез ўчириб ташлашни тавсия қиламиз. Қирқиб олинган варақачаларни ёнингизда узоқ муддат сақлаб юрмасликни, айниқса, Тошкент метрополитенига олиб тушмасликни, уларни иложи борича тезда ёпиштириб чиқишни маслаҳат берамиз.

Аслида, юқорида кўтариб чиқилган саволларда ҳам, ЎХХ логотипида ҳам Ўзбекистондаги қонунларга зид ҳеч нарса йўқ! Аммо шундай бўлса ҳам, эҳтиёткор бўлиш зарар қилмайди. Чунки Каримов режими ҳатто “Қорнимиз оч” деган ёзувдан ҳам кўрқинганини, шундай оддий ҳақиқатни ёзганларни ҳам қамашга шай турганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Зеро, бугунги кунда Ўзбекистон озодлиги учун курашда эҳтиётсизлик туфайли қамалиб, курашдан ташқарида ётгандан кўра, эҳтиёткор бўлиб, озодликда ва аҳоли орасида юриб, кураш майдонида ҳаракат қилиш фойдалидир. Ўзимиз учун ҳам, халқимиз учун ҳам!

Келажак ҳафта мобайнида юртдошларимиз “Зулмга қарши 7 кун” лойиҳасида фаол иштирок этиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракати логотипи туширилган ва “ЎЗБЕКИСТОНДА БЕГУНОХ МУСУЛМОНЛАРНИ ҚАМОҚДА ЧИРИТАЁТГАН РАҲБАР КИМ? ЎЗБЕК ТАДБИРКОРЛАРИНИ ТАЛАЁТГАН СУЮҚОЁҚ АЁЛ КИМ?” деган саволлар битилган навбатдаги варақачамизни мамлакат кўчаларида ёпиштириб, ватандошларимизни курашга чорлашда Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига кўмакдош бўладилар, деган умиддамиз.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг ташвиқот бўлими  
2013 йил 28 январ

## БУХОРО ВА ТОШКЕНТДА ЎХХНИНГ ЗУЛМГА ҚАРШИ ВАРАҚАЛАРИ



Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ) мухбир ва фаолларининг хабар қилишларича, Бухоро ва Тошкент кўчаларида Ҳаракатнинг зулмга қарши варақалари тарқалмоқда. Бухоро шаҳридан бу ҳақда илк марта хабар келган бўлса, Тошкентда 4-ҳафта варақаси ҳам секин аста пайдо бўлаётгани тўғрисида маълумот ва фотосуратлар олинди.

Бухорода истиқомат қилувчи фуқароларнинг ЎХХ мухбирларига билдиришича, шаҳарнинг бир қатор бекатларида, асосан дехқон бозори атрофидаги автобус бекатларида “Бизда нима бор?” шеъри ҳамда “Нега қишлоқ жойларда газ ва свет йўқ? Мақсад нима? Ўзбекни эзиб, қирғин қилишими?” деган саволлар ёзилган варақалар ёпиштириб

кетилган. “Бундан Бухоро милицияси ва хавфсизлик хизмати ҳам хабар топган кўринади, чунки эртаси куни барча варақалар бекатлардан олиб ташланганига гувоҳ бўлдик”, дейди бухоролик фуқаро.

Унинг айтишича, оддий бухороликлар зулмга қарши варақаларни ҳайрат билан ўқиб, Ўзбекистон Халқ Ҳаракатига қизиқиш билдира бошлаган. “Ўша варақаларни автобус бекатида ўқиётган одамларнинг бир-бириларидан: “Ўзбекистон Халқ Ҳаракати қандай ташкилот ўзи? Қасрда жойлашган? Унинг раҳбари ким?” – деб сўраётганини кўрдик. Варақаларни кўздан кечириётган бир бухоролик йигит эса: “Бу ташкилот ҳукуматга қарши ташкилот эканлиги ёзган нарса-

сидан ҳам, анави муштнинг расмидан ҳам билиниб турибди”, деди. Хуллас, ЎХХнинг варақалари одамлар орасида шундай савол ва мунозараларни келтириб чиқаряпти”, дейди қадимий шаҳарда истиқомат қилувчи фуқаро.

ЎХХ томонидан бошланган “Зулмга қарши 7 кун” тадбири доирасида эълон қилинаётган варақалар Тошкент шаҳрида тарқалаётгани ҳақида хабар ва фотосуратлар келиши давом этмоқда. Пойтахтдаги мухбирларимизнинг билдиришича, куни кеча эълон қилинган 4-ҳафта варақаси (“Ўзбекистонда беғуноҳ мусулмонларни турмада чири-таётган раҳбар ким? Ўзбек тадбиркорларини талаётган суюқоёқ аёл ким?” саволлари битилган варақа) ҳам шаҳар кўчаларида секин-аста пайдо бўляпти.

Хусусан, шундай варақалар Чилонзор савдо маркази ва Жанубий темир йўл вокзали атрофидаги автобус бекатларида ёпиштириб кетилган. Мухбирларимизнинг сўзларига кўра, айрим жойларда ёпиштириб кетилган варақаларнинг номаълум одамлар томонидан йиртиб, ерга улоқтирилганини ҳам кўриш мумкин.

ЎХХ хабар маркази

## ЙЎҚОЛСИН ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОМ КАРИМОВ ДИКТАТУРАСИ!

ЎХХ сайтига такрор  
уш келдингиз!

**Ҳаракатимизнинг ҳурматли аъзолари, хайрихоҳлари ва ҳамюртларимиз!**

Маълумингиз, ҳаракатимизнинг расмий сайти бўлган

[www.uzxalqharakati.com](http://www.uzxalqharakati.com) ўтган кунларда унга қалинган ҳужум натижасида деярли уч кун давомида ишламай қолди. Кечадан бошлаб сайтимиз яна тўлиқ фаолият олиб бормоқда. Аввало сайтимиз ишламай қолган ушбу кунларда биздан ҳол аҳвол сўраган, ўз ёрдамини таклиф қилган дўстларимизга, бу ҳақда маълумот берган “Озодлик” ва ББС радиоларининг ўзбек тили бўлимларига ўз миннатдорчилигимизни билдираимиз.

**Хўш сайтимиз нега ишламай қолган эди?**

Бу саволнинг жавобини аввало ЎХХ қандай ҳаракат, унинг ғоя ва мақсадлари нимадан иборат, деган саволдан излашимиз керак бўлади. Бу саволга жавобни ушбу линкдан ўқишингиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам ЎХХ бугун дунёнинг энг қаттол диктаторлик режимларидан бири, дея аталаётган Ўзбекистондаги Ислом Каримов диктатурасига қарши бўлган

асосий сиёсий муҳолиф кучдир. Шунинг учун ҳам бу диктатор ва унинг малайлари бизнинг фаолиятимизга тўсиқ қўйиш учун бутун чораларни кўриб келмоқда. Бу диктатура фақат бизнинг сайтимизни эмас, ҳур фикрни ифода қилайдиган оммавий ахборот воситалари, интернетдаги ижтимоий тармоқларга ҳам цензура қилиб келаётгани бир ҳақиқатдир.

Энди бевосита сайтимизга ҳужумга сабаб бўлган материалларга келадиган бўлсак, булар фикримизча асосан уч қисм хабар ва мақолалардан иборат эди.

Улардан биринчиси, ЎХХ нинг сўнгги ҳафталарда бошлатган зулм режимига қарши варақалари эди. Бундай варақа тарқатиш сафарбарлигини бундан кейин ҳам ҳар ҳафта давом эттириш ниятидаимиз.

Иккинчидан, сайтимизда эълон қилинган Усмон Ҳақназаровнинг “Гулнора Каримова нима учун Рамзан Қодиров билан учрашди?” мақолалар туркуми ўқувчиларимизда жуда катта қизиқиш уйғотди ва ҳар куни мингларча ҳамюртларимиз тарафидан ўқилди.

Ва ниҳоят учинчидан, ЎХХ Одноклассники гуруҳида олиб бораётган ташвиқот ишларимиз ва бу гуруҳимиз аъзолари сонининг кундан кунга тез суръатлар



билан ошиб бориши диктатор Каримов ва малайлари чинакам кўрқитган бўлса керак ки, ҳаракатимизнинг сайтига давлатнинг катта маблағини сарфлаб, уни вақтинча ишдан чиқаришга муваффақ бўлишди.

Кўриб тургангиздек, биз яна янада кучли ишонч ва илҳом билан сизларнинг хизматингизга шаймиз. Барчаларингиздан биз билан ҳамкорлик қилишни ва бизни қўллаб қувватлашларингизни кутиб қоламиз.

**Йўқолсин Ўзбекистондаги Ислом Каримов диктатураси!  
Яшасин Эркинлик ва Адолат!**

ЎХХ Тарғибот Бўлими

## ТАВАЛЛУД КУНИНГИЗ МУБОРАК, ҲУКМДОР



Инсон тарихга назар ташларкан, ундан доимо нималарнидир излайди, нималарнидир тасдиқлайди, нималардандир ибрат олади ва ҳақозо, ҳақозолар. Ҳар ким турли максатда ўтмишга назар солади. Хуллас, тарихсиз келажак бўлмайди дейдилар. Рост гап бу!

Ўзбекистонимиз тарихига бир назар ташлайлик. Бундан 75 йил муқаддам ажойиб бир ҳодиса юз берди ва бу миллатимизни бахти, иқболи бўлди десак ҳам муболаға бўлмайди. “Муболаға” деб ҳам кўрингчи, бошингиз қозонда, молингиз талонда! Бундан роппа роса 75 йил олдин мамлакатимизнинг президенти Ислому Абдуғаниевич таваллуд топдилар ва ўша кездан у кишининг пешоналарига бир халқнинг отаси, подшоши бўлгулик иқбол зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилди. Баъзи мунажжимларимиз ул зотнинг таваллудлари қайсидир бир юлдузнинг ерга яқин келгани билан, кейин у юлдуз ҳар минг йилда бир келишини таъкидлаш билан ҳукмдоримизнинг номларини самовий жисмларга ҳам боғлайдилар. Яхши ҳамки, ўша лаънати юлдуз минг йилда бир келаркан. Ҳар йили келганида борми, ҳар йили бир диктатор туғилармиди, аммо ҳозир бунақа душманона гап сўзларнинг ўрни ҳам, вақти ҳам эмас.

Круглий дата ахир! 75 ёшга ким етади, ким етмайди. Умуман бу ёшга етадиганлар бундан бу ён бу юртда бўлмайди ҳам. У кишини алқаб бола-сино, набирасидан айрилиб қолган боболар, момолар дуо қиладилар: “Илоё Худои худовандо, шу президентимизга ҳам инсоф бер”! Лекин ҳали уларнинг дуолари ижобат бўлмаган. Бўлмаса ҳам керак!

Президентимизни муборакбод этарканмиз, у кишига узоқ умр тилаймиз. Тиласак ҳам у кишининг бунёд этган минг йиллик рейхлари, э,э, кечирасиз, минг йиллик кланлари камида минг йил туради ахир. Шундай экан, у кишини неча, неча минг йил яшайди десак ҳам адашмаган бўламиз. “Юртбошимиз халқимизнинг отаси ҳамдир. “Отаси ўлмаган ким бор, онаси ўлмаган ким бор” дейишади. Бугун ҳақли тарзда айта оламиз: биз бормиз отаси ўлмаган! Лекин она масаласи биров чучмалроқмикин...?

Ўзбек тарихини аслида ўша 75 йил илгариги санадан бошлаб ўрганиш керак.

Фақат бу тарихнинг бошланғич йиллари ҳам биров ноаён. Масалан, ҳукмдоримизнинг ёшликлари, қаерда нима қилганлари, кимларнинг бурнини қонатганлари, озор берганлари, шўхлик билан кимнинг уйига ўт қўйганлари каби жиҳатлар очик қолмоқда. Ва лекин, у кишини тарбият этган энагаларининг бир набирасининг хикоя қилишича, Юртбошимиз янги етти кунлик чақалоқ бўлган кезларида у кишининг беланчаклари ичига бир заҳарлик илон кириб қолган экан. Илон заҳарлик тишларини бўлғуси президентимизнинг муборак баданларига санчиб заҳар солмоқчи бўлган. Балки солганлар ҳам. У илон қобра бўлганми, ёки гадогами, ёинки бошқа бир турдагисими, манба аниқ айта олмади. Бечора энага “вой, вой шўри-им” деб бакирганича чақалоққа ташланибди. Бало ҳам урмаган экан уни. Илон эса, шўрлик илон шу жойнинг ўзида жон бериб, беланчакда ғужанак бўлиб қолибди. Бу дегани, шу деганики, ҳукмдоримизни ҳеч бало ҳам ололмайди. Уни чакқан илон ҳам тил тортмай жон беради.

Вой, вой, бундай доно, бундай оқил ва элпарвар ҳукмдор фақат бизга насиб этган ва бунинг учун Яратганга ҳар куни минг, минг шукроналар қилсак ҳам кам. Мана, мустақил бўлди. Ҳукмдоримизнинг шарофатлари билан. Агар у киши ўшанда ГКЧПни қўлламаганларида балки мустақиллик бўлмасди ҳам. Ҳукмдоримиз узоқни кўзлаб ГКЧП ни қўллагандилар. Бунда ҳам кўп ҳикмат бўлган ахир. Ислому Каримовнинг шарофатлари ила ўзбек деган миллат дунёга машҳур бўлди. Бунисига нима дейсиз? У кишининг марҳаматлари туфайлик дунёда ўзбек мардикорининг қадами етмаган жой қолмади. Демак, ул муборак зотнинг шарофатлари ила халқимиз дунёни кўрди. Аммо у кишини кўра олмайдиганлар ҳам кам эмас экан. Қаерга борманг, у кишининг одилона жазоларидан қочиб юрган “ватан хоинларининг” қочқин бўлиб яшаётганини ҳам кўрасиз. Уят, уят бўлсин сизларга, хоинлар!

Ҳукмдор бугун 75 ёшга тўлди. Уни қандай нишонлаш керак экан? Балки Ўзбекистоннинг ҳар бир колониясида 75 маҳбусни ўлдириб ташлаш билан нишонлансакчи? Мумкин, у кишининг 75 ёшга тўлганлари эвазига, ҳар вилоятда 75 та “ватан хоинини” турмага тикилсачи? Ҳар неки, круглий дата ахир. Бу ахир тўй! Ислому Каримовнинг муборак ёши тўйи, демак Ўзбекистонимизнинг ҳам тўйидир бу кун! Келинг, бу мақаддас ва азиз кунда 75 га қирган президентимизга 7,5 яшар боланинг ақлича ақл тилайлик. Муборак бўлсин тўйингиз Юртбоши, сизга ҳам муборак бўлсин бу кун, ўзбек халқи!

Тошкентдан  
Куйган Дийр ўғли

## ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВГА!



**(Сиёб бозоридаги  
«ковунфурушга»)**

*(Изоҳ: Ха-ха, худди шунақа экан! Самарқанддан келган курсдошимиз отасидан сўраб — суриштириб билибди, ёшлигингизда бозорда қовун олиб қочиб, кўпинча қўлга тушган ва қалтаклар еган экансиз. Эсингиздами?)*

**Мухтарам Жаноб!**

Биз сизни туғилган кунингиз билан табрикламаймиз. Туғилмаганингиз минг марта яхши эди аслида. Биз сизни ҳақорат қилмоқчи эмасмиз. Сизга билдираётган табригимиз агрессивроқ тусда (тонда) эканлиги боис сиздан узр ҳам сурамоқчи эмасмиз. Зеро, Ўзбекистон халқига сиз курсатган агрессияга киёсланса, бутун коинотга киёсланган зарра кабидир. Аммо бу йулни узингиз танлагансиз. Зулмни бисёр қилдингиз, аτροφингиздаги одамларни ҳам зулм йулидан юришга мажбурладингиз. Бас шундай экан, сизнинг охиригиз ХОРЛИК бўлмаса, мўжизавий дунёнинг яратилишидан ҳеч маъни қолмайди.

Сиз ҳеч ҳам бизнинг миллатимизнинг отаси эмассиз! Буни ўзингиз ва аτροφингиздаги яқинларингиз (Бронштейн, Голышев, Краснов ва б.) яхши биласизлар. Дарвоқе, нега бу учта «одам» 20 йилдан бери ўз мансабларида мустақам ўтиришибди, нега улар ҳеч алмаштирилмайди? Ўзбекистонда ўзбеклар анқонинг уруғимиди, бунга эҳтиёж бўлса. Демак, уларга эҳтиёж сизда бор. Аслида бу оддий белги эди. Мана биз ҳам уни ўқий олдик, Худонинг инояти билан кимлигингиз бизга энди аён бўлиб бўлди.

Биз Усмон Хакназаровнинг олдинги мақолаларини ҳам ўқиб чиқдик. Сиз — Ислому (Ицхак) Абдуғаниевич (Исхакович) Каримов (Мирзоқандов ёки Конт) эмас, балки асл исми кавслар ичида курсатилган «одамсиз». Ўзбекистон бошига келган барча, барча муаммоларнинг бошида ўзингиз турибсиз. Фақат ўзингиз! Сиз тугрингизда унинг хабари йўқ, лаганбардор мулозимлар унга маълумот беришмайди деган гапнинг ўзи сизнинг фойдангизга пропаганда, бизнинг зараримизга дезинформация.

*(Давоми кейинги саҳифада)*



## ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ФАРЁДИ

**Тахририятдан: УХХ сайти ва Одноклассники гуруҳимизга ҳар куни ўнлаб турли туман мавзуда хатлар ва изоҳлар келади. Шундай мактублардан бирини жузъй тuzатишлар билан ўқувчиларимизга ҳавола қилмоқдамиз.**

Мамлакатимиз ҳаётини ҳозирги кунда электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Кундалик юмушларимизда бу манбага эҳтиёжимиз янада ошган. Айниқса кишининг совуқ кунлари булар биз учун муҳим манбадир. Диёримизнинг йирик вилоят ва шаҳарларида электр энергияси етишмаслиги оқибатида юзага келаётган муаммо ва кийинчиликлар беҳисоб даражага етти десак муболаға бўлмайди.

Шаҳарларимизда шундай шароит ҳукм сурмоқда, шаҳар марказий туғриқхонаси электр энергиясисиз фаолият кўрсатишга одатланиб улгурди, чақалоқлар шам нурлари ва заряд батареякали фонарлар ёрдамида туғдирилган ҳолатлар куп бўлмоқда.

Бир фаррош аёл сўзларига қараганда махсус вакумларда сақланиб ҳамда жонлантириш амалиётлари ўтказиладиган ускуналар электр манбайи танқислиги сабаб иш фаолиятини бажара олмаяпти. Бу эса мурғак гудакларнинг аянчли қисмати билан яқун топаётган экан. Марказий туғриқхона ахволи шу бўлса, қолганлари янада аянчли. Хоналарда иситиш тизими бутунлай ишдан чиққан, беморлар ўзлари билан иситиш ускуналарини олиб келишга мажбур, ва холанки бу воситалар электр манбайи орқали иш фаолиятида бўлади.

Бир кишини дод фарёд солаётгани, фиғони фалак бўлаётганини гувоҳи бўлдик. Билсак у туғриқхоналардан бирида ота бўлиш бахтига эришган, аммо бола туғилиши қийин кечиб унга махсус апаратуралар қўлланиши зарур бўлган, бу маҳал электр энергияси бўлмаган ва отаси шаҳар электр манбаи марказига зудлик билан етиб борган ва электр ёқилишини катъиян талаб этган, натижа бўлмаган. Улар Ҳокимликдан рухсат берилсагина ёқишларини айтишган. Бу инсон Ҳокимликда ўз илтимосларини баён эта бошлаган аммо идора ходимлари ҳоким йўқлигини ва у-сиз бир ишни қила олмасликларини

айтиб рад этишган ва вилоят ҳокимлигига мурожаат этиш лозимлигини уқтиришган. Бу орада бола нобуд бўлгани ҳақида қўл телефони орқали хабар топган. Бундай ҳолатлар тез-тез такрорланиши кузатишмоқда.

Қандай қилиб ёш чақалоқлар учун шарт-шаройитлар яратилмаслиги мумкин? Бундан ташқари электр энергияси ўчик, ҳолати ИИБ идораларида, Пракуратура идора-

ларида ҳам кузатиляпти. Булар олдида оддий идоралар ва ташкилотлар ҳеч нарса эмас, халқимиз хонадонларида эса оддий мобил қўл телефон аппарати-ни зарядқа қилиш ҳам учун ҳам етмай қолмоқда қўп ҳолларда...

Ҳокимлик идораларига келаётган арзномаларга ҳеч қандай ташкилий ишлар бажарилмаяпти, улар фақат «тежамкор бўлишимиз керак ва электр шитларимизни қаттиқ, кучланишдан асрашимиз лозим» дейишмоқда. Бу шитлар учун биз чақалоқларимизни бамисоли қурбонлик келтираяпмиз. Аммо «нега шаҳар ва вилоят ҳокимлиги идоралари мунтазам узлуксиз электр манбайи билан тامينланмоқда» деган оддий саволга «чунки бошқарув идоралари мунтазам фаолиятга туриши керак» деган ибратли жавоб олмоқдамиз.

Янги йил арафасида узлуксиз 4 кундан ошиқ вақт электр энергияси

узилмади аммо ҳеч қаерда шит ёниши ёки ишдан чиққанига ва шунга ўхшаш жиддий муаммолар кузатилмади. Маҳаллалар қошида урнатилган ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТ МАСКАНЛАРИ ичига махсус печлар орқали кумир ёкиб жон сақлаётган фаол посбонларга раҳмингиз келиши аниқ.

Чоррахаларда светафорлар ишламаяпти, кечалари чироқлар урнига йўлни машина фаралари ёритмоқда қўп ҳолатда. Банк идораларида электр энергияси муаммо, ходимлар узаро пул тўплашиб электр ишлаб чиқаргич (движок) сотиб олишга ва у орқали ишлашларига мажбурдирлар. Газ (метан, прапан) қуйиш шаҳобчаларида ҳам шундай муаммо мавжуддир.

Узоқ, навбат кутган миждоз энди электр энергиясини ёнишини ҳам кутиши керак. Тез ёрдам пункларимизда, шифохоналаримизда бу янгилик эмас. Нима эмиш «свет ёнса операция қиламиз» ёки «электра СЕТ.да танишингиз бўлса илтимос қилиб турсиз».

Яқинда бир маҳалла фуқороларидан вилоят ҳокимлигига ташаккурнома мактуби келиб тушган. Мактубда қисман шундай мисралар бор: «свет ва газ учун минг раҳмат, бу шарофат учун оилаларимизда 3 нафар ёш гудаклар ва яна шунча қари нурунийларимиз дунёдан кўз юмушди. Илтимос бундан буён бизнинг ...номли маҳалламизга газ, сув, свет бермасангизлар, бундай илтифотни қадрига етмас эканмиз». Бу ташаккурномага 50 дан ортик, фуқаро имзо чеккан деб эшитдик.

IYMON MUFASSAL

## ИСЛОМ АБДУГАНИЕВИЧ КАРИМОВГА!

*(Давоми боши олдинги саҳифада)*

Бундай баҳонани ҳам, халқни чалғитиш, озгина бўлса ҳам ўз-ўзини юпатиши учун «одамларингиз» тарқатишмоқда. Оддий мисол. Ота ҳам уйдаги муаммони билмас эканми, тагин ўзбекларда-я!?

Жаноб! Бизни лақиллатишда бас қилинг.

Сиз ҳамма нарсани биласиз, сиз айёр, муғомбир ҳамда кўрқоқ тулкисиз! Сиз артистсиз, онда-сонда телевизорда чиқишларингизда ролни қойил-мақом қилиб бажарасиз. Нобел мукофотининг барча номинацияларида шубҳасиз ёлиб бўлар эдингиз, агар номзодингиз киритилганда.

Охириги 2 ойда жадал суръатлар билан телевизорда самойиш этилаётган ёшларга яқинлашишга қаратилган пропагандистик кўрсатувларнинг орқасида нима турганлигини биз пайқадиқ. Сиз ва диёримиздаги қатлиомларнинг сценарийчиси Бронштейн ёшларни УХХ идеяларига оғиб кетаётганидан хавфсирадингиз. Муҳолифатнинг расмий сайтига ҳакерлик хужумини ташкиллаштирдингиз.

Бизларни рост маълумотлар манбасидан узиб қуймоқчи бўлдингиз. Бу сизнинг ожизлигингиз ифодасидир!

Биз, талабалар — янги авлод вакиллари сизни туғилган кунингиз билан асло табрикламаймиз! Туғилмаганингиз маъкул эди аслида. P.S.

МХХга арзимас мурожаат: Ушбу юрагимиздан чиққан «самимий табригимиз»ни рус тилига таржима қилиб, ўзбек адабий тилини чаласавод даражасида билувчи жаноб Контга (маскировкаланган фамилияси — Каримов) бериладиган кундалик ҳисоботга киритишингизни сўраймиз. У ва сиз — ҳаммадан эмас, орангиздаги миллат душмани бўлган кимсалар захматкаш Ўзбекистон халқи билан «ҳадсиз зулмга нисбатан қақшатқич жавоб сценарийси» бўйича яқин келажақда тўқнаш келасизлар. ЗУЛМ билан Тошкент шаҳрида бўладиган ушбу ҳисоб-китоб Триполи, Сана, Тунис ва Қоҳирадаги каби натижа билан тугайди, бунга аминмиз.

**Бир гуруҳ талабалар**



*«Fergananeews.com сайти муҳаррири ушбу мақоласини «Агония Ислама: ...», яъни «Исломининг ўлим олдида» ҳам ошиб ўтди. Унинг 75 йиллигидаги сирни тушуниб олиш ҳам қийин: ростдан ҳам у қаттол бир диктаторми, ёки эндиликда мамлакат унга муҳтож ҳам бўлмай қолган сохтакорга ўхшаш керакми бу шахсми? 1964 йилдан КПСС аъзоси ва мустақил Ўзбекистоннинг биринчи президенти бўлган И.Каримовнинг сиёсий фигура-си тўғрисида турли қарама-қаршиликлардан иборат ва унинг ҳукмронлик даври эса бу Осие мамла-каати тарихида улкан умидлар ҳамда тубсиз умидсизликлар даври бўлди. Бугунги кунда Каримов МДХ худудидаги энг кекса, ҳамда собик иттифок давридан қолган икки ҳукумат раҳбарининг бири бўлган президент-дир. У Қозғистон лидери Назарбоев билан бир вақтда ўз мамлакатини 1989 йилдан, Ўзбекистон Компартиясининг биринчи секретарлигига сайланганидан бери бошқариб келади. Унга Михаил Горбачевнинг маҳсули, деб ҳам қаралади. Аслида эса, собик Иттифок парчаланганидан кейинки кечаги ком-мунист Каримов бир нарсани дарҳол англаб етганди: ҳукумат тепасида жон сақлаб қолиш учун зудлик билан Горбачев «Ошқоралиги»ни тўхтатиш лозим, турли майдонларда бемалол «сайр қилаётган» сиёсий мухолифларни йўқотиш зарур. Натижа эса — мана ўн беш йилдирки, Ўзбекистонда мухоли-фат лидерлари йўқ — уларнинг барчаси ё турмаларда, ёки ватандан қувилган. Содда қилиб айтганда, Каримов телеэкранларда ҳали ҳам Горбачев каби, яъни узоқ ва баландпарвоз сафсата со-тишда давом этади: демократия ҳақида, инсон ҳақлари ва ҳатто сўз эркинлиги хусусида ҳам. У қанчалик ширин ва яхши сўзларни гапирмасин, мамлакат-*

даги ахвол шунчалик оғир ва ёмон бўлиб бормоқда. Бундан ўн йилча олдин пре-зидентнинг шахсан ўзи ахборот тарқатиш эркинлиги ҳақидаги қонунни илгари сур-ганди. Қандай натижа чиқди бундан? Ўзбек цензураси оммавий, мамлакатда бирорта мустақил нашрнинг ўзи йўқ, юзлаб ян-гилик ва ахборотлар тарқатувчи сайтлар блок қилинган, ўнлаб журналистлар мам-лакатни тарқатди, оғзини очганлари эса қамоқхоналарда ёки рухий шифохоналарда азоб чекмоқда.

мов ўзини мамлакатда бозор иқтисодига ўтишининг ашаддий тарафдори қилиб кўрсатди гўё, аммо бу ўтиш шу-шу амалга ошмай қолиб кетди: Каримов — Республика Госпланининг собик раиси, шунинг учун ҳам бугунги Ўзбекистон — собик совет республикалари орасида валютани фақат қора бозорда топиш мумкин бўлган, даладаги пахтани по-лиция назорати остида болалар, врач ва ўқитувчиларга тергизиладиган ягона давлат бўлиб қолмоқда.

Каримов тараннум этиб келгани «Миллатлараро тотувлик» оқибатида рус-лар оммавий тарзда бу юртдан кўчиб кет-ди, уларсиз завод ва фабрикалар тўхтади, сув ва электр таъминоти тўхтади. Кари-мовнинг маддоҳлари уни гўёки Тожики-стондаги каби фуқаролар уруши олдини олганини айтадилар. Аммо айнан унинг сайъ-ҳаракатлари самараси ўлароқ мам-лакат ҳатто Суриядан-да даҳшатлироқ

## КАРИМОВНИНГ ҒАРҒАРАСИ: ЮРТБОШИ ЎЗИНИ ВА МАМЛАКАТНИ БОШИ БЕРК КЎЧАГА ТИҚДИ

Албатта Ўзбекистонда барпо қилинган ёки йўқотилган нарсани-нинг ҳаммаси Каримов кўли билан қилинмаган. Бироқ буларнинг ҳаммаси учун масъулият айнан Каримов зим-масидадир. Ахир айнан у — Путиндан ҳам анча олдин — ўзининг «вертикал ҳукмронлигини» қуриб олганди, амалда эса у — халқнинг устидан ўзбошимчалик ва қонунларни йўққа чиқариш ўрнаги бўлди.

Ҳар қандай якка ҳукмрон раҳбар каби, Каримов ўзининг бетакоррлигидан ийманибровқ завқ олади. Ўзини шахсига сиғиниш сиёсатини олиб борган Тур-кманбошига тенг қилиб қўйишларидан хавфсирайди. У бир неча маротаба журналистлар ва қулларча садоқат кўрсатадиган мулозимларга ўзини ҳаддан ташқари мақтаб юбормасликларини тайинлаган.

Натижа — мамлакатдаги ҳар қандай ижобий натижага фақат «Президент-нинг оқилона раҳбарлиги остида» эришилади, унинг нутқларидан пур-маъно ва пурхикмат иктибослар газета саҳифаларидан тўлиб тошади.

Каримов бир умрлик президент ва ҳақиқатан ҳам давлат раҳбаридир. Унинг кўғирчоқ парламенти эса мамлакат лидери чин дилдан имзо чекиши мумкин бўлган қарорларнигина қабул қилади. Ўзбеклар учун яна бир афсусланарли томони шундаки (эҳтимол, уларнинг бах-ти ҳамдир), Каримовнинг ҳукмронлиги мутлақ бўлгани каби, бу ҳукмронлик пастқашона ҳамдир.

Мустақилликдан кейинги давр мо-байнида Ислол Каримов бор кучи билан собик СССРга тупуришда ҳамда манфур «мустамлака» ўтмишдан воз кечишга чакиришда давом этди. Аммо совет зехнияти яъни «Совок» хиди унинг саф-саталарида Путин ва Назарбоевни кўшиб қиёслаганда ҳам баттар эди.

Тахтга ўтиргани илк кунданок Кари-

конга ботиш арафасида турибди. Чунки кимдавр режимга қарши нафрат кучай-иб бораркан, яна кимдир яхшигина тўлов эвазига режимга хизмат қилишда ва, худди Б.Асад тарафдорлари каби, бирор нарса бўлса, жангсиз таслим бўлмайди.

«Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деб номланади Кари-мовнинг мактаб ва олийгоҳ дастурларига киритилган бир китоби. Буни айтаётган шахс — ким унинг шахсий ҳокимлиги ва «барқарорлик»ни таъминлайман деса, дарров сотилиб кетаверадиган геополитик хамелеондир. Каримов «мустақиллиги»нинг оқибати — ўз-ўзини боқолмай қолган ва Россияларда бир бур-да нон топишга мажбур қашшоқлашган мамлакат бўлди. Ўзбекистон қанчалик «барқарор» бўлиб бораркан, унинг Марказий Осиёдаги қўшнилари билан можаролари ҳам шунчалик балохонадор, Қирғизистон ва Тожикистон билан чегараларда эса бугун бемалол инсонларга ўқ узиб, гаровга олишмоқда.

Каримовни «терроризм хавфи» ва «ислом экстремизми»га қарши курашчи дейишади. Бу тўғри: Ўзбекистонда бугун ҳокимият билан қелишолмаган ҳар бир шахс экстремист ва террорчи дейила-ди. «Сиёсийлар» ва «диндорлар» учун мўлжалланган «Жаслик» турмаси Освен-цимдан фарқи битта: бу ер Освенцимдан ҳам баттар. Шунинг учун минглаб ўзбек «террорчи»лар Европага қараб қочади, аммо негадир у ерда ҳеч кимга хавф йўқ улардан.

Ўзбекистон президентининг исми Ислол, аммо давлат назоратидагидан бошқа Ислол (дини — тарж.) мамлакатда мумкин эмас. Бошқа тарафдан, сиёсий мухолифатнинг йўқлигидан мазлум ва сиёсий илмдан маҳрум авом халқ мабо-до исенга қалқгудай бўлса, фақат яшил байроқ (Ислол байроғи — тарж.) остида-гина кўзғолиши мумкин.

(Давоми кейинги саҳифада)

**ЭЭ...БОР ЭКАНСИЗКУ!**

Эээ...бор эканмизку!

Ассалому алайкум ҳурматли дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам бор эканмиз биргаликда! Қаранг «Каримов кет» гуруҳи бир кунда 1000 кишига кўпайибди...Эээ...бор бўлингизлар! Бу кетишда ўн кунда ўн минг эмас эллик минг ҳам бўламиз инша Аллоҳ!

Диктатор Каримов зотан кетади, кетишига ҳам жуда оз қолди. Унинг диктаторлиги ва кетиши кераклиги ҳақида Ўзбекистондаги фожеали ижтимоий сиёсий аҳволни билган ҳамма ҳамфикрдир. Демак, «Каримов кет» бу қилаётган ишимизнинг биринчи қадамидир.

Иккинчи қадами эса, диктатор Каримовдан кейин Ўзбекистонда нима бўлади масаласидир. Бу масалага ҳам ЭЭЭ...деб жавоб берамиз. Эээ...диктатор Каримовдан кейин нима бўлади! Нима бўларди, ЭЭЭ...бўлади.

Яъни, Эркинлик, Элимиз (миллийлик) ва Эътиқод бўлади.

**ФЕЙСБУКДАГИ “КАРИМОВ, КЕТ!”  
ГУРУҲИГА ҚЎШИЛИНГ**

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тарихий ўзгаришлар, бошқача айтганда, янги давр бошланиши истиқболи ўзбек ва дунё жамоатчилигининг диққат эътиборида турибди. Дунё матбуоти, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи

ташкilotлар, шу жумладан муҳолифатнинг асосий кучи бўлган УХХ матбуоти диктатор Ислоҳ Каримов ҳукмронлиги ниҳоясига яқинлашиб қолгани ҳақида хабарлар тарқатмоқда.

Шу маънода ҳамюртларимизнинг эътиборини ушбу мавзуга қаратиш учун “Фейсбук” интернет ижтимоий тармоғида “Каримов, кет!” гуруҳи очилди. Бу гуруҳга аъзо бўлиш, унга Ўзбекистондаги зулм режими-га қарши мақолалар, аудио ва видео материаллар қўйиш, интернетдаги дўстларнингизни бу гуруҳга аъзо қилиш орқали Сиз азиз ватандошлар Ислоҳ Каримов диктатурасининг тезроқ йиқилишига ўз ҳиссангизни қўшишингиз мумкин.

Энди тушундингизми ЭЭЭ... маъносини. Мен бу “ЭЭЭ” ҳақида бир мақола бошлаб ҳам қўйдим. Биз ҳам бормиз бу ишда дейсизми? Эээ...бор бўлинг!

Жумангиз муборак бўлсин! Аллоҳ таоло зolimларга қарши мазлумларни қўллаб қуватласин!

Йўқолсин Ислоҳ Каримов диктатураси!

Яшасин Эркинлик ва Адолат!  
УХХ билан ҳамкорлик қилинг!  
“Каримов, кет!” гуруҳига хуш келибсиз!

<https://www.facebook.com/groups/karimovket/>

**КАРИМОВНИНГ ҒАРҒАРАСИ:  
ЮРТБОШИ ЎЗИНИ ВА МАМЛАКАТНИ БОШИ БЕРК КЎЧАГА ТИҚДИ**

*(Давоми боши олдинги саҳифада)*

Каримовнинг режаларини аниқлаш учун унинг нутқларини терсига таржима қилиб ўқиш керак. Каримов бир йилни «Қариялар йили», дея эълон қилса, демак ўша йилда кексаларнинг нафақалари кесилади. «Ёшлар йили»да эса ёшлар пул тўплаб, барча йиққан-топганини олий ўқув юртларига берадилар. 2013 йил назаримда «Обод турмуш йили», дея эълон қилинди. Демак, яна-да кўпроқ ёшлар гастарбайтер сифатида иш излаб чет элларга равона бўладилар. Ҳозирги кунда гастарбайтерлар ҳисобидан мамлакат бюджетига ҳар ойда ярим миллиард доллар келиб тушмоқда...

Каримов доим пулга муҳтож. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Президентини ҳар йили узлуксиз равишда чет эл инвесторларини мамлакатга жалб қилиш учун фармонлар чиқаради. Аммо бу инвесторлар фойда кўра бошлагани заҳоти бирор баҳона билан даромадлари давлат фойдасига ўтказиб юборилади. Бундай савдо америкалик, англиялик, россиялик, қозғистонлик жуда кўп фирмаларнинг бошига тушган.

Каримов ҳозиргача ўзини осиллик доно сиёсатчи ҳисобласа-да, аммо мамлакатни кўчаларида, қизларнинг ахлоқона ҳаёлларида, ўғри раҳбарларнинг чўнтақларида ва ахлоқи бузук инсонларнинг ҳиссиётларида нималар бўлаётганидан унинг хабари йўқ.

Кечалари шаҳар кўчаларини айланиш ёки машҳур халифа каби бозорларда юриш бу диктаторнинг одағи эмас. Лаганбардор хизматчилари эса фақат бу диктаторга ёқадиган маълумотларни етказишади унга. Шунингдек Тошкентда ўтирган бу “хон” қариб қолган Брежнев каби ҳаёт ҳақиқатларидан ҳам беҳабар қолган. Шунинг учун Москвада фаррошлик қилиб юрган ўзбек йигитининг аҳволи уни ажаблантиради ва ўзбек диктатори: “Нега бу ўзбек йигити Ўзбекистонда иш тополмади?”, дея савол қотади...

90-йилларнинг боши ва ўрталарида Ўзбекистонда кўпчилик Каримовни қўллаб-қувватлаган бўлиши мумкин. Бу албатта «маъмурий ресурс» амалга оширилган, аммо раҳбарнинг машҳурлиги ва тезда яхши кунлар келиши ҳақидаги ваъдалар ҳам бундай қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнаганди. Каримов учинчи марта президентликка номзод бўлганида ҳамма Ўзбекистоннинг “келагаги буюк, бугун куюк» эканини англаб етганди.

Бугун чегаралар тобора кўпроқ очилаётган ва интернет воситасида ахборот олиш қулай бўлган бир пайтда давлат ташвиқоти ҳокимиятини ушлаб туриш учун ишончли йўл ҳисобланмади. Эртани-кечми диктатор ўз фуқароларини ўлдиришни бошлайди. 2005 йилда Андижонда юзларча инсонни қатл этиш ҳақида шахсан буйруқ бериш билан

Ислоҳ Каримов ўз ҳокимияти умрини узайтирди, аммо бу билан у ўзига тарихда «Қотил» деган ниҳойи ҳукми ҳам чиқарган бўлди.

Авалл кўпчиликнинг қўллаб-қувватлаши, кейин эса қонунсизлик ва зулмга таяниб, диктатор Каримов ХХ асрнинг муваффақиятларини ҳам орқада қолдириб кетди ва ўз мамлакатини XIX асрнинг бошларига қайтарди. Ўзбекистондаги аҳволни диққат билан кузатиб келаётганлар Юртбошини оммавий қўллаб-қувватлаш қандай оқибатларга олиб келишига бугун гувоҳ бўлиб турибдилар.

Ислоҳ Каримовнинг тақдири “суверен демократия” ва “ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини тановчилар” учун фожеа тўла бир ўрнақдир. Кейинги йилларда Каримов ваҳшийлиги ва тўқайган қони билан ўз таъсири-ни сақлаб турибди. Унинг ҳар йили тақрорланадиган туғилган куни эса бир пайтлар тараққиётга умид боғланган мамлакат учун ҳалоқат хавфи ўрнида қўрилади. Шунинг учун ҳам Каримовнинг раҳбар бўлганими ёки тахтини тарк этишими фожеалироқ, деган саволга жавоб топиб бўлмайди.

**Даниил Кислов**  
Fergananeews.com сайти бош муҳаррири

**УХХ сайти таҳририяти таржимаси**

Тошкент бозорларида бир қўлида сумкаси бир қўлида боласини етаклаган бир жойда ўтириб эмас, кунига бозорни гир айланиб, милиция ва солиқчилардан қочиб юриб савдо қиладиган аёллар кўпайган. Қўйлик, Сергели, “Фарход” катта бозорлар кираверишида, йўлаклариди катта сумка кўтарган, беш-ўн ковок, сабзавотларни коляска аравачаларига ортиб олган “кўчманчи сотувчи”ларга дуч келасиз.

бера қолинг, деди чакилган ёнғок,— писталарини кўрсатиб, олазarak.— Бизни қувишгани қувишган бу мелисалар. Ана келяпти.

Аёл сумкасини кўтариб тез-тез юриб кетди. Сухбатларда маълум бўлдики, бу “қочқинчи савдогар”лар Ўзбекистоннинг турли вилоятларида истикомат қилишади. “Мустақкам оила йили”ни сихат-саломат ўтказиш учун ўтган йили Тошкентга келишган.

Милициянинг масъулияти, хушёрлиги оширилган.

Шунда ҳам кишлоқилар юртларига кетишга рози эмас. Чунки ишлай деса иш йўк, инграй деса дард йўк. Ҳаммадан ҳам эркаклар кўчага чиқолмай қолгани ёмон бўлди, дейишди улар. Мана иккита боламни эрим уйда қараб ўтирибди, каттам ёнимда иш ўрганияпти, деди Манзура исмли андижонлик аёл, олти-етти ёшлардаги ўғил

## “ОБОД ТУРМУШ...”НИНГ ПРЕЗИДЕНТЧА ФОРМУЛАСИ ВА...

“Олинг, арзон бераман, тез кетишим керак, болам совкотиб қолди”, деб илтижо қилгандай – термулади ёш болали бир аёл.

– Нега шундай совукда ёш болани олиб юрибсиз, ахир? Эрингиз сотса бўлмайдами?

– Э, билмайсиз-да, дадаси чиқолмайди, мелиса ушлаб паспортини олиб кўяди.

– Нима учун олиб кўяди?

– Кўчада юрма, кишлоғингга кет, уйингда ўтир, дейди.

– Сиз тошкентлик эмасмисиз?

– Биз водийдан, Фарғонаданмиз.

Тирикчилик деб кунимиз шу ковокларга қолган. Ана, яна келяпти, деб аравасини тортиб, нарига кетди аёл.

Яна уч-тўрт аёл автобус бекатига яқин жойда тўхтади. “Олинг ука, шошиб турибман, ўзимизнинг дехкончиликдан. Мана, пакетим ярим килодан, 4 минг



“Тошкент нон шаҳри”эмасми, ҳар ҳолда тирикчиликлари ўтиб турган экан. Аммо Президент “Обод турмуш йили”да ҳар ким ўз туғилган кишлоғида, уйида ўтирсин, Тошкентда тўполон қилиб юришмасин, деган шекилли, вилоятликларни Тошкент ўзига сиғдирмай кўймоқда экан.

болани кўрсатиб. Аввалги йили эрим ишда, мен ўзим уйда кўрпа, кўрпача қавиб, беш-ўн сўм топардим. Эрим қўли гул уста, бир уйнинг евроремонтини бошидан охиригача икки киши қўлдан чиқарарди. Лекин ҳозир мелисаларнинг дастидан кўчага чиқолмай, ижара уйда уйзиндон, бола боқиб ўтирибди. Мең ўзим бозорга чиқишга мажбурман.

Йилларга от қўйиш касаллигига йўлиққан Президент жанобларининг “Обод турмуш йили” формуласининг амалиётига қараганда диктатор ҳукумати одамлар бир ерга тўп-тўп йиғилиши, ҳар хил оқимлар ва гап-сўзларга кўшилиб кетишидан хавотир-далигини билдириб кўймоқда. Нима бўлганида ҳам ҳуқуқсиз бозорчилар, мардикорлар ният қилганидек, ўз юртида, кўчаларда эркин нафас оладиган кунларга оз қолгани рост бўлсин...

ЎХХ Тошкент муҳбири

## ИМОМ ОБИДХОН НАЗАРОВ ҲАЁТИГА СУИҚАСДНИ ЖИДДИЙ ТЕКШИРИШ ТАЛАБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ПИКЕТ МУНОСАБАТИ БИЛАН

### ПРЕСС-РЕЛИЗ

2013 йилнинг 22 феврал куни дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи ўзбек диаспораси вакиллари бундан бир йил олдин таниқли имом Обидхон қори Назаровнинг ҳаётига суиқасд уюштирилгани муносабати билан норозилик пикетлари ўтказишади.

Устозимиз Обидхон қори акага нисбатан суиқасд уюштирилганига бир йил тўлар экан, афсуски, шу кунгача ушбу жиноятни ижро этган, унга ёрдам берган ва уларга буйруқ бериб, уларни молиявий таъминлаган кимсаларнинг биронтаси ўз қилмишига яраша жазо олгани йўқ.

Турли давлатларда уюштирилган тадбирларга қуйидаги ҳолатлар сабаб бўлди:

1. Суиқасд ижросига бевосита ёрдам берган Ўзбекистон фуқаролари Нодира Аминова ва Баҳодир Пўлатовлар прокуратура тақдим этган очиқ-ойдин фактларни инобатга олмай, Остерсунд маҳкамаси томонидан озод этилгани;

2. Сундсвалл шаҳри апелляцияон маҳкамасида прокурор тақдим этган шикоят асосида қўриб чиқилиши

керак бўлган бу ишнинг бирор-бир сабаб кўрсатилмай, ноаниқ муддатга қолдириб келинаётгани;

3. Асосий гумонланувчи Юрий Жуковскийнинг Россияда қамоққа олингани ҳақидаги хабарлар оммавий ахборот воситаларида чиққанига қарамай, швед расмий идораларининг бу тўғрида сукут сақлаб келаётгани.

### Талабларимиз:

• Имом Обидхон Назаров ҳаётига қилинган суиқасд жиддий текширилсин!

• Жиноятчилар қўлга олинсин ва жазолансин!

• Бу ишда адолат сиёсий манфатлар қурбонига айланмасин!

• Швед ҳукумати сиёсий қочқинларнинг хавфсизлигини таъминласин!

Бу ишда адолат қарор топишига бефарқ бўлмаган барча журналистлардан воқеани ОАВда ёритишни илтимос қиламиз.



Обидхон қори ака бугун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қодир эмаслар. Шу боис, биз у кишини ҳурмат қилган барча инсонларни бу тадбирларда иштирок этиб, қори аканинг инсоний ҳақларидан бирини адо этишга қақирамиз.

Пикетларнинг ўтказилиш жойлари ва вақтлари ҳамда жойлардаги масъуллар, иншоаллох, пикет ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин қўшимча равишда эълон қилинади.

Ташаббус гуруҳи

**Усмон Ҳақназаров  
сиёсатшунос****Р. Иноятовнинг “Заҳирадаги  
режа”си**

Ўтган мақолаларимизда биз “оила”-нинг мамлакатдаги ҳокимиятни И.Каримовдан қизи Гулнорага топшириш ниятига қарши Р.Иноятов бошлиқ Тошкент клани махфий режа тайёрлаётгани ҳақида айтган эдик. Бугунги мақолада эса биз мазкур махфий режанинг янги тафсилотларини маълум қилмоқчимиз.

**У.ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА НИМА УЧУН  
РАМЗАН ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ? (2)**

Р.Иноятов режасига кўра, расмий президентлик сайловлари арафасида ёки ундан кейин Тошкент клани Россия тарафининг қўллови билан “оила”нинг ҳокимиятни Г.Каримовага ўтказиш режасига ҳалал беришга уриниш қилади. “Заҳирадаги режа”га кўра, Ислом Каримовнинг ё Гулнора Каримованинг, ёки бутун “оила”нинг “ҳалокати”дан сўнг Фавқуллода қўмита тўпланади, ва давлат бошқарувини вақтинча парламент спикерига топширади. Муваққат ҳукуматнинг олти ойлик фаолиятдан сўнг навбатдаги президентлик сайловлари ўтказилиши керак, ва унда Р.Иноятов тўдаси кўрсатган номзод иштироки ва ғалабаси кутилади.

Тошкент клан-тизим бирлашмаси Ислом Каримовдан ёки Гулнора Каримовадан бўшаган президентлик лавозимига ўз номзодини кўрсатади. Биздаги тахминий маълумотларга кўра, Р.Иноятовнинг бўлажак номзоди ҳозирча яширин ва пайт пойламоқда. Фақат шу нарса маълумки, бу шахс Ўзбекистон парламенти қўмиталарининг бирида ишлайди. Бу тушунарли: чунки Ўзбекистонда барча депутат ва сенаторлар фақат МХХ раиси Р.Иноятов руҳсати билангина сайланади.

Шуни аниқ тахмин этиш мумкинки, муҳтамак номзод шубҳасиз Р.Иноятов ҳамда умуман Тошкент клани кўлида қўғирчоқ президент бўлади.

МХХ нинг №1 кабинетидан ишлаб чиқилган “Заҳирадаги режа”нинг асосий нукталаридан бири яна шуки, мазкур амалиётда Ўзбекистон махсус хизматлар етиштирган ва бошқариб келаётган диний-экстремистик ва террористик ташкилотлардаги иттифоқдошларининг иштироки бўлади. Шундай қилиб...

**Ўзбек ҳукумати хизматидаги  
экстремизм ва терроризм**  
“Заҳирадаги режа”га кўра, ўзбек махсус хизматлари назоратида бўлган “Ўзбекистон Исломи Ҳаракати”, “Туркистон Исло-

ми Ҳаракати”, “Исломи Ҳижод Иттифоқи”, “Ҳизбут Таҳрир” каби диний-экстремистик ва террористик ташкилотлар Ислом Каримов ё Гулнора Каримова ёки бутун “оила”ни жисмонан йўқ қилишни амалга оширади.

Назорат остидаги диний жангарилар, Каримов оиласини йўқ қилишда иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъи назар, Р.Иноятов бошчилигидаги гуруҳ, юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг жангарилари ва фаолларини, президент қотиллари сифатида эълон қилади.

Ўзбек махсус хизматлари Ўзбекистон ичида диний-экстремистик ташкилотларнинг бўлим ва тармоқларини ташкил этишда қатта тажрибага эга эканини кўпчилик билмайди. Кўплаб мамлакатларнинг разведкалари, Ўзбекистон МХХни, террорчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб туришда гумон қиладилар, чунки, бу ташкилотларнинг мамлакат ичида амалга оширган террористик амаллари ҳар доим ҳам ўзбек ҳукуматининг манфаатларига хизмат қилиб келган. Террорчиларнинг ташқи алоқалари эса, Тошкентдаги шахс орқали амалга оширилган. Қизиғи шундаки, МХХ бу алоқадор шахсларга хўжақўрсинга бўлса-да қидирув ҳам эълон қилмаган.

Шунинг учун, масалан, Германия махсус хизматлари, Тошкентнинг, ўзбек махсус хизматларида, гўёки, Ўзбекистонда ёки Афғонистонда ҳаракат қилаётган у ёки бу террорчи ташкилот, ёинки, яна бошқа бир жиддий вазият ҳақида маълумотларга эга дея берган баёнотига аллақачон ишонмай қўйган. Ҳозирча Каримов фақат, Оқсаройдаги ҳамтовоқларининг сўзларига ишонаётган америкаликларни алдай оляпти холос. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, АҚШ куролли кучлари марказий кўмондонлиги бошлиғи Мартин Демпсининг, 2008 йил август ойидаги Тошкентга ташрифини эслаш кифоя. Ушанда, у, Афғонистон бўйича ўзбек махсус хизматларининг разведка

маълумотларидан фойдаланишни кўзда тутувчи 200 миллион долларлик битимни имзолаган эди.

Бугунги кунда, ташқи разведка Ўзбекистон МХХнинг энг кучсиз бўғини эканлигини, бу бўлим, масалан, Обид қори Назаровнинг турар жойини ҳам ўзи аниқлай олмаслигини, ёки, мамлакат ташқарисида яшаётган режим муҳолифларини исиз жисмонан йўқ қила олмаслигини америкаликлар билишмайди, ёки билишни исташмайди.

Ўзбек “чекист”ларининг жанговар тайёргарлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, улар 2000 йил бошида Сурхондарёнинг Узун ва Сарисийё туманларига Тожикистон томондан ёриб ўтган атиги 20 чоғли жангарига ҳам бас кела олмаганди. Икки йил аввал эса, Исломи Ҳижод Иттифоқи ташкилотининг ўнлаб аъзосини зиндонбанд қилгани ҳақида Фарб махсус хизматлари олдида мақтанган Иноятовнинг «идора»си, ўзининг немис ҳамкасбларига атиги биттагина жангарини сўроқ учун топшира олган холос. Ҳаттоки мана шу ягона жангари ҳам Ўзбекистонлик эмас, балки Тожикистон фуқароси эди. АҚШ ҳукумати бугунги кунга келиб Ўзбекистон МХХ ғоявий асосга эга бўлмаган, тижорий “олди-берди” ташкилотга айланиб бўлганини ё билмаяпти ёки билишни истамаяпти.

Бугун ўзбек ҳукумати ва унинг махсус хизматлари, терроризм ва экстремизмга қарши кўтарилган Америка байроғи остида, ўзларининг океан ортидаги иттифоқчиларига қалбаки ва аслида ёлғон разведка маълумотларни бериб, Вашингтоннинг молиявий ёрдамига оч кўзларини тикишган. “Ўзбекистонда диний экстремизм ва терроризм даҳшатли равишда урчиб бораяпти!” дея америкаликларни ишонтириш мақсадида, Ўзбекистон МХХ “диний экстремизм” ва “терроризм” моддалари бўйича “қўлбола” жиноий ишларни конвейер усулида ишлаб чиқараётган ўзига хос комбинатга айланиб бўлган. Олиб-сотарлик ва товламачиликнинг энг яхши аъналарига содиқ қолган ўзбек ҳукумати, диний экстремизм ва терроризмга қарши деб аталаётган курашни ҳам, Оқ Уйдан пул ундиришнинг ўзбекча бизнесига айлантириб олдилар.

Р.Иноятов “идора”сининг бугун қўлидан келаётган бирдан-бир ҳунари – мамлакат ичида турли ғаламисликларни кўзга, Тожикистон ва Қирғизистон чегараларида ясама ғавғорлар келтириб чиқариш ҳамда чегараолди ҳудудларда бетон тўсиқлар яратиш учун бюджетдан пул ундириш холос. Ва улар яна Ўзбекистон ичида диний экстремистик ва террористик ташкилотларнинг бўлимларини ҳам ташкил қила олишга қодирлар. Масалан «Ҳизбут Таҳрир» каби. Шундай қилиб...

(Давоми кейинги саҳифада)



## У.ҲАҚНАЗАРОВ: ГУЛНОРА КАРИМОВА НИМА УЧУН РАМЗАН ҚОДИРОВ БИЛАН УЧРАШДИ? (2)

(Давоми: боши олдинги саҳифада)  
**Ўзбек ҳокимияти қандай қилиб мамлакатда “Ҳизбут-Таҳрир” тармоғини тузди?**

Республикада диний-экстремистик ва террористик ташкилотлар тармоғини вужудга келтириш бўйича ўзбек ҳукуматининг товламачилигига ёрқин мисол, 90-йилларнинг ўрталарида “Ҳизбут-Таҳрир” халқаларини тузиш бўлди.

Ўзбекистон ва Исроил махсус хизматларининг “Ўзбекистонда Ҳизбут-Таҳрир” номли қўшма лойиҳаси 1995 йил бошланган. Мазкур лойиҳанинг Ўзбекистон тарафидан мувофиқлаштирувчиси – давлат маслаҳатчиси В.Бронштейн ва ГУИН муовини Михаил Гуревич, бош ижрочилари эса – МХХ ва Ўзбекистон мусулмонлари Диний бошқармаси бўлган. Ушбу лойиҳа доирасида “Ҳизбут-Таҳрир”нинг энг сунгги диний адабиётларини ўрганиш ва партиянинг Иорданиядаги аъзолари билан алоқалар ўрнатиш учун юборилган мутахассислар – Филология фанлари доктори Ҳамидулла Кароматов (кейинчалик – Ўзбекистон Бош Вазирининг ҳозирги имоми Анвар Турсунов эди. Кароматовнинг вазифаси, асосан, А.Турсуновнинг иорданиялик “Ҳизбчилар” билан бўладиган музокараларида таржимонлик ҳамда “Ҳизбут-Таҳрир”нинг энг сунгги диний адабиётлари билан танишиш, уларни Ўзбекистонга келтириш ва ўзбекчага таржима қилиш эди. Турсунов эса партиянинг Иордания шуъбаларидан бирига аъзо бўлиб кириб, кейинчалик Ўзбекистон пойтахти ва вилоятларда “Ҳизбут-Таҳрир”нинг яширин тармоғини тузиш эди. МХХ “эмиссар”ларининг Иорданиядаги ишига “Ҳизбут-Таҳрир”нинг иорданиялик шуъбалари фаолиятини назорат этиш учун Исроил махсус хизматлари тарафидан ёлланган араблар ёрдам берди.

Уч ойлик сафардан сўнг Ҳ.Кароматов ва А.Турсунов Тошкентга қайтиб, “Ўзбекистонда Ҳизбут-Таҳрир” қўшма лойиҳаси доирасидаги ўз вазифаларига киришди. Масалан, араб тили мутахассиси бўлган Ҳ.Кароматов янги адабиётларни таржима қилар, А.Турсунов эса бошланғич партия бўлинмаларини тузар эди.

Топширилган вазифани бажариш учун А.Турсунов (унинг фаолияти тўлиғича МХХ тарафидан мувофиқлаштириб турилган) алоҳида ёш ва истеъдодли мусулмонларга “янги ғоялар”ни тақлиф эта бошлади. Шундай қилиб, Ўзбекистон ва Исроил махсус хизматларининг тузоғига, асосан ёшлар орасидан, илк ўзбеклар мусулмонлар туша бошлади.

Уларнинг энг машҳурларидан бири Ҳафизулло Носиров (Сурхондарё вилоятидан) эди, кейинчалик у “Ҳизбут-Таҳрир”нинг Ўзбекистон бўйича амири бўлган ва қамоққа ташланган. Бу тузоқнинг илк қурбонлари сифатида Тошкентлик Музаффар Авазовни мисол келтириш мумкин. М.Авазов кейинчалик (2002 йил августидан) дунёга машҳур “Жаслик” концлагерида қайноқ сувда қайнатиб ўлдирилган.

Ўзбек махсус хизматлари тарафидан амалга оширилган лойиҳа жуда тез авж ола бошлади, ва “ўта яхши” натижалар бера бошлади. Бор-йўғи икки-уч йил ичида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида “Ҳизбут-Таҳрир” халқалари тузилди. Шуни ҳам эслатиб ўтамизки, ўзбек махсус хизматларининг топшириғи бўйича А.Турсунов маҳаллий амирлардан ҳар ойда партия тармоғи ҳақида маълумотларни: янги аъзоларнинг исми ва адресларини етказиб туришни талаб этарди. Шундай қилиб, ўзбек махсус хизматлари мамлакатда “Ҳизбут-Таҳрир”нинг “туғилиши ва ривожланиши”ни тўлалиғича назорат этди ҳамда бўлажак репрессиялар учун бу партияга кирган инсонларнинг “қора рўйхат”ини туздилар.

1997-1998 йиллардаёқ ИИБ органлари Тошкентга жойларда беш, олти нафар кишилардан иборат бўлган тўғарақлар пайдо бўлиб, аҳолини яхудийларга ҳамда сионизмга қарши курашга даъват этаётгани ҳақида тезкор маълумотлар юбора бошлади. Уша даврдаги ИИБ раҳбари бўлган Зокир Алматов президент Исроил Каримов ва Республика Хавфсизлик Кенгашига мамлакатда тезлик билан “шу пайтгача маълум бўлмаган бир диний партия” ғоялари тарқалаётгани ҳақида бир неча бор ҳисобот берди. Аммо президент Каримов бундай огоҳлантиришларга ҳар сафар деярли бир хил жавоб берарди: “Хавотирланманг, Иноятлов ҳаммасини ўз назоратида тутмоқда. Яна бир-икки йил ўтсин, бу партиянинг аъзолари кўпайсин, шунда бир кундаёқ “улкан хирмон йиғамиз”. Бу Каримов режимининг “ҳизбутчиларни” оммавий қамоққа олишларини бошлаш учун бир баҳона кутаётгани ҳақидаги очиқ баёнот эди. Ва маълумки, кейинчалик бундай баҳона Рустам Иноятловнинг “контраси” томонидан саҳналаштирилган 1999 йилнинг 16 февраль воқеалари бўлди. Шундай қилиб, Ўзбекистон ҳукумати президент Исроил Каримов, ҳамда махсус хизматлар раҳбари Рустам Иноятлов раҳнамолигида Ўзбекистонда “Ҳизбут Таҳрир” партияси тармоғини тузиб, мисли қўрилмаган фитнани, ўзбек халқига қарши энг улкан жиноятни содир этди.

Бу жиноят айниқса ўзбек миллатининг асллари – иқтидорли диндор ёшларга қарши қаратилди. Ажабланарли томони шуки, Ўзбекистон ва Исроил махсус хизматларининг қўшма лойиҳаси бўлган “Ҳизбут Таҳрир” амалиёти бошланишидан олдин, Каримов ҳукумати ўрта мактабларда, ўрта махсус ва олий таълим мактабларида, шунингдек, хусусий дарсларда диний илмларнинг ўқитилишини таъқиқлаб қўйди. Бундан ташқари, давлат нашриётларида диний адабиётларнинг нашр этилиши кескин қисқартирилди.

Бу шароитда Исроил дини билан қизиқувчи ва диний илмларга ташна бўлган ўзбек ёшлари учун динни “Ҳизбут Таҳрир” халқаларидан ўрганишдан бошқа чора қолмасди. Бошқача қилиб айтганда, ўзбек ҳукумати Исроил илмини ўрганиш мумкин бўлган кўплаб манбаларни йўқотиб, фақат битта манба, ўзи қўйган тузоқ “Ҳизбут Таҳрир”нигина қолдирганди. Кейинчалик у ерга Исроилни излаб келган ёшларни шафқатсиз жазолаш учун.

“Ўзбекистонда Ҳизбут Таҳрир” Ўзбекистон-Исроил қўшма лойиҳаси иккала давлат ҳукуматига иқтидорли ўзбек ёшларини аниқлаш ва келгусида уларни турмаларда йўқ қилиш учун зарур эди. Яъни, “Ҳизбут Таҳрир” Ўзбекистон ва Исроил махсус хизматлариغا ишловчи репрессия тузоғи вазифасини ўтади ва ҳозир ҳам ўзбек ёшларининг Исроилга қизиқиши ва диний илмларни эгаллашдаги имконият даражалари аниқлашда ўзига хос лакмус қоғози вазифасини ўтамоқда.

Нима учун тузоқ сифатида айнан “Ҳизбут Таҳрир” танланди? Чунки бу партия мафкурасининг асосида Оқ Уйни қўрқитувчи ғоя бўлган яхудийлар ва сионизмга қарши ғоя ётарди. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистонда “Ҳизбут Таҳрир” тармоғини ташкил этаркан, ўзбек ҳукумати келажакда бу партия аъзолари исломий илмларни эгаллаш эмас, балки антисионизм ғояларини ўқитишларини олдиндан биларди. Мамлакатда бундай партиянинг мавжуд бўлиши Ўзбекистон ҳукуматининг муддаосига кўра, мамлакатда “антисионизм ва диний экстремизмга қарши кураш” учун Оқ Уйдан моддий маблағ ундиришга хизмат қиларди. Хуллас, “Ўзбекистонда Ҳизбут Таҳрир” лойиҳаси – бу нафақат сиёсий, балки тижорий лойиҳа ҳам эди.

Энди эса, каримовлар оиласи ҳокимият жиловини отадан қизига топширишни режаларкан, ўз келажаги ҳамда бизнеси келажагидан ташвишланаётган Иноятлов хунтаси ўз қўлотидаги диний-экстремистик ва террористик гуруҳлар воситасида “оилани” йўқотишни режаламоқда. Ҳозирча Иноятлов гуруҳи “Заҳирадаги” режанинг бошланғич босқичини амалга оширмоқда. Шундай қилиб...

(Давоми Бор)



ЎХХнинг аъзоси Фахриддин Тиллаев 2013 йил 21 январь куни Тошкент шаҳар “Бухоро” кўчаси 1-уйда жойлашган, “Билайн” компаниясининг бошлиғи А.В.Сафронюк номига шикоят ариза билан мурожаат қилган. Унинг шикоят аризасида жумладан шундай дейилган: “Мен 2012 йилнинг август ойида Тошкент шаҳри Чилонзор тумани “Лутфий” кўчасида жойлашган “Билайн” компаниясига қарашли, “PAYNET”дан +998901224581-сон рақам остида сим картани сотиб олгандим. Шу 6 ой давомида менинг телефонимга Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидан ва ичкарисидан келаётган, “вызов”ларга сунъий равишда компания томонидан тўсиқлар қўйилмоқда. Худди шунингдек, ҳар бир “SMS” ёзувларим учун компания томонидан маблағлар олинган. Мен ўша ёзувларимнинг суруштириб чиқсам, ўз эгаларига бориб етмаган.

Бундан ташқари, менинг қўл телефонимда сўзлашув вақт давомида ҳар куни ноқонуний равишда “кимлар” томонидандир эшитилмоқда. Менга

## ЎХХ АЪЗОСИ “БИЛАЙН” КОМПАНИЯСИНИ СУДГА БЕРИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

телефон қилган фуқаролар телефоним доимий равишда уланиб бўлмаслигини айтишмоқда. Бу билан Сизнинг компаниянгиз менинг Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларимни оёқ-ости қилмоқдалар. Менга етказилган моддий ва маънавий зарарларни компания ҳисобидан ўндириб олишга қарор қилдим...”

Фахриддин Тиллаев, ЎХХнинг Тошкент шаҳридаги маҳсус муҳбирига берган интервьюсида қўйидагиларни ҳам сўзлаб берди: “Менинг почта хатларим ва интернетдаги электрон почтамни ҳамда мени қаттиқ назорат остига олишганлар. Қизиғи шундаки, назорат остига олган маъсул ходимлар, ИИВга қарашли бўлган, “Терроризмга қарши кураш бўлими”нинг ходимлари. Ушбу “операция” “иш”ида айнан ўшалар қатнашмоқда. Шу ўринда савол туғилади. Нега энди айнан мана шу “гурух” назорат остига олиши керак экан? Ваҳоланки, МХХ, Прокуратура, ИИБнинг ходимлари бу масала юзасидан шуғулланишлари қарак эди-ку? Нега айна ўша “ТЕРРОРИЗМ”???!!

Чунки, 2012 йилнинг 23 сентябрь куни Тошкент шаҳар Хамза тумани ИИБнинг ходимлари Нуриддин Жуманиёзов ва мени олиб боришганларида Тошкент шаҳар, “Терроризмга қарши кураш бўлими”нинг маъсул ходими, ўзини полковник, “БАХТИЁР” деб та-

ништирган (агар ўша исм тўғри бўлса) суруштурув ва суд ишларида шахсан ўзи қатнашди...

Бундан ташқари, куни-кеча “Мардикорлар Касаба уюшмаси”нинг раиси Нуриддин Жуманиёзовга нисбатан ўша мансабдор “тип” томонидан “угроза” қилинган. “Сизни ва бошқа аъзоларингиз яъни, Абдилло Тожибой ўғли ва Фахриддин Тиллаевларга нисбатан 60 та статья билан айблайман” деб қўлидан тушунтириш хати ёздирилган олган...

2013 йилнинг январь бошларида “Мардикорлар Касаба Уюшмаси” томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг бошлиғи Боходир Матлюбов номига шикоят ариза билан мурожаат қилинган эди. Шикоят аризага кўра, “Нега Мардикорларнинг қўлларидан отпечатка олинмоқда?” деган мавзуда Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг муовини И.Жаҳонгиров билан учрашувда шу масалани кўтаргандик...

Бундан шундай хулоса қилиш мумкин-ки, бизлар ЎХХга аъзо бўлиб кирганимиз бу ҳуқуқматни ларзага солмоқда. Қолаверса, бизларни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155 моддаси кўра, “терроризмга айблаш” чорасини қидиришмоқдалар десам хато бўлмайди...”

**ЎХХнинг Тошкентдаги муҳбири**

**ЎЗИНГИЗ ВА ОИЛАНГИЗ ҚИЙИН АҲВОЛДАМИСИЗ?**

Аслида бугун Ўзбекистонда 30 миллион аҳоли қийин аҳволдадир. Диктатор Каримов ва унинг оила аъзолари, вазирлари, ҳокимлари, мххчилари, ментларини ҳисобга олмасак ваатанимизда ҳамма қийин аҳволда. Иқтисод абгор бўлган, инсонларнинг кунлик рўзғор тебратишлари имконсиз ҳолга келган, ток ва газ йўқ... Ҳаммаёқ порахўрлик, зулм, халқнинг эзилиши, кўз ёшлари, чорасизлик...

Бундай ҳолатда ҳамма бараварига ҳаракат қилиб, зулмни ағдариб ташлаши керак бўлади. Бунинг учун шу “ҳаммани” ташкиллаштириш керак. Мана шу ташкиллаштириш ишини ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз зарур.

Бу “ўзинг учун ўл етим” мантиғига, эгоизмга, яъни худбинликка давъат эмасдир. Чунки яхшиликнинг бошланиши жамиятнинг ҳар бир аъзосининг яхшилик томон қадам отишидан бошланади. Ҳа, ҳар бир шахснинг, ҳар биримизнинг курашимиз билан бошланади ўзбек халқининг диктатор Каримовнинг ваҳший режимидан қутулишимиз...

**Ўзингиз ва оилангиз қийин аҳволдамисизлар?**

Агар ҳақиқатан ҳам қийин аҳволда бўлсангизлар, ўзингиз ва оилангиз учун яхшилик қилишга мажбурсиз. Буни тушуниб етишингиз керак. Ўзингиз ва оилангиз аҳволингиз яхшиланишини истасангиз, албатта Каримов диктатурасига қарши курашга ўз ҳиссангизни қўшишингиз керак бўлади. Бу ишдаги амалий қадамлар эса қуйидагилардир:

**Шошилинч тадбирлар:**

- “Фасйбодаги” “Каримов кет” гуруҳига (<http://www.facebook.com/groups/karimovket>)

қўшилиш ва барча дўстларингизни, танишларингизни унга давъат қилинг.

- Одноклассники. Ру даги ЎХХ гуруҳига (<http://www.odnoklassniki.ru/uzxalqharakati>) қўшилиш ва бу гуруҳ фаолиятига хабарлар, мақолалар, шарҳлар билан қатнашинг.

- ЎХХнинг “Зулмга қарши варақалар” (<http://uzxalqharakati.com/archives/16147>) акциясига қўшилиш ва бошқаларни ҳам бу ишга қўшилишга давъат қилинг.

- ЎХХ матбуот воситаларини инсонларимизга танитиш сафарбарлигига (<http://uzxalqharakati.com/archives/16032>)

**Узлуксиз вазифалар:**

- ЎХХ га аъзо бўлинг ва унинг ғоя ва мақсадларини (<http://www.uzxalqharakati.com/archives/12935>) яхши ўрганиб чиқинг ва бошқаларга ҳам ўргатинг.

-Ўзингиз ишонадиган инсонлар билан ЎХХнинг гуруҳларини тузиб, ҳаракатимиз фаолият доирасининг кенгайишига ўз ҳиссангизни қўшинг.

Ҳар биримиз мана шу олийжаноб вазифаларга ўз ҳиссамизни қўшадиган бўлсак, мамлакатимизда Ислом Каримов диктатураси ўрнига Эркинлик ва Адолат устун бўлган янги жамият қуриш имконини қўлга киритишимиз мумкин бўлади. Бундай жамиятда эса ҳар бир шахс ва ҳар бир оила ўз ҳуқуқларини қўлга киритади, иқтисод ривожланади, давлатимизнинг тараққий қилиши учун шарт шароитлар ўртага чиқади.

Ўзингизнинг, фарзандларингизнинг, оилангизнинг эркин ва фаровон яшаши учун ҳамда жамиятимиз ва давлатимизда адолат устун бўлиши учун ўз ҳиссангизни қўшинг!

**ЎХХ Тарғибот Бўлими**

## МЕНОПОЗ

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

### МЕНОПОЗ

Ёки: 100 гр седана ёғи ичига бир бўлак окқанд миқдорли камфора кўйилади, эригунча туради ва оғриган жойларга массаж билан едирилади.

Ёки: Бир неча каштан пўстларидан тозаланиб, туйилиб, эски зайтун ёғи ёки седана ёғи билан аралаштирилиб, малҳам хаамири ҳолига келтирилади. Ревматизмни жойларга ва оғриган бўғимларга массаж билан едирилади.

Ёки: Янги ёки қуруқ газанда эзилиб, сиркага аралаштирилади. Ёғли қоғозга сурилиб яллиғланган бўғимларга ёки яллиғланган шишларга суриб жойлаштирилади. 10-12 соат туради. Бу жараён яллиғланишнинг ташқарига оқшини таъминлайди.

Ҳар окшом бир бош саримсоқ майдаланади, бир чой қошиқ майдаланган шамбала ва асал билан яхшилаб аралаштирилиб паста ҳолига келтирилади, яллиғланган ва оғриган бўғимларга сурилиб, устига ёғли қоғоз кўйилади ва бойланади. Эрталабгача туради.

Дафна ёғи ва аччиқ қовун ёғи айни усул билан таёрланади. (“Дорилар” бўлимининг Аччиқ Қовун бандига қаранг.)

Ревматизм касаллари учун фойдали нарсалар:

Денгизда сузиш, маданий қайнар бўлоқларга бориш, совуқ ҳавода яланг оёқда юриш, бутун танани совуқ денгиз кумига кўмиш, юнгли пайпоқ кийиш, газанда, сачратқи ейиш, аччиқ қовун, магний сульфат, сано каби ични ҳайдовчи дорилар ишлатиш, ора сира қусиш, банка кўйиш, қон олдириш, зулук кўйиш.

Ревматизм касаллари учун зарарли нарсалар:

Қора чой, қахва, тайёр таом ва ичимликлар, шоколад, ҳар қандай консерва маҳсулоти, эритилган пишлок, янги бринза, кимёвий моддалар, тиббий дорилар, гидроген ёғлар ва ҳаракатсизлик. Хусусан қон гуруҳи “О” бўлганлар учун сут ва бугдой маҳсулотлари, қон гуруҳи “А” бўлганлар учун қизил гўшт.

Усмон Ш., 52 ёш, тадбиркор хикоя қилади:

“Аввал 1987 йил июнь ойида ўнг тиззамда шиш ва болдирда қизиш ва шиш оғриғи шаклда бошлади. У пайтлар юк ташиш автомобилида шофёр бўлганимдан, оёғимдаги ҳолатнинг ваҳимасини тўлиғича тушунмасдан юра ва ишлар эдим. “Ҳосаки” Касалхонасига қатнай бошладим, лекин дори таъсир қилмас, касаллигим борган сайин ёмонлашиб борарди. Тиззамдаги шиш жуда қаттайиб кетди, ичидаги ҳолат кўринар даражага келди. Кейинроқ чап тиззамда ҳам безовталиқ, болдирда шиш ва оғриқ бошланди.

1989 йил “Чапа” Тиббиёт Факультети ортопеди кўригида даволанишни бошладим. Ҳар ҳафта ёки ойда бир тиззамдан сув олишар эди. Кейинроқ тиззамнинг орқасидан “байқур кисди” деб номланган икки дона ғурра (кист) олинди, бири тулукча келадиган, бошқаси ёнғоқ қатталигида эди.

1990 йилнинг охирларида ўнг тиззамдан “артроскопия” қилинди лекин ҳеч қандай ташхис қўйилмади. Ортопедга шу тарзда қатнар эканман, “бахчат касаллиги” ташхис қўйилди. Ўшандан бери “ревматология” да даволанишда эдим.

Бошда оғир кортизонли даволаниш бошланди, анча енгиллик хис қилдим.

Даволанишим давомида орада бир спазма шаклида тугилишлар бўлар эди. Кейинроқ тананинг кўп жойларига тарқалди.

Оғриқли жойларнинг баъзи қисмларида қизиш бўлганда муз кўяр эдим. Кортизон сифатида “делта кортрил”ни кунлик 5 мг қизиш бўлганида 20-30 мг гача олар эдим.

Қизиш ўтгач, дори дозасини босқичма босқич нормал даражага туширар эдим. Бу ҳақда “мутахассис”га айландим. Бундай “оксоқ” даволаниш давомида 28 феврал 2007 йил Ойдин хонимнинг қабулига киришга муваффақ бўлдим, ва 20 йиллик даволанишимни унга ишониб, Аллоҳга таваққал қилдим. Шу он даволанишдаман, деярли шифо топдим. Ойдин хоним қабул қилаётганим қуйидаги дориларни ташлаттирди:

1. делта кортрил; 2. колшикум дисперт; 3. вольтарен;

4. арпазол капсул; 5. салазорин; 6. калде; 7. деликс; 8. васакард;

7 кунлик танаффуслар билан 14 марта 3 кунлик очлик тутишимни, 3 ой танаффуздан кейин бир марта такрорлашимни айтди. Ҳозир 12-нчи очликни тутмоқдаман.

Даволанишни бошлаганимда, дориларни бутунлай ташлаганим учун, тиззаларимда оғриқлар, белимда тортишишлар бўлиб, қўл ва билагимда қизишлар билан қаттиқ шаклда қалтирар эдим. Тиззаларимга зулук кўйиб, оғриқларга сабр қилдим.

15-20 кундан кейин оғриқларим камая бориб, ўзим ҳам тобора яхшилинишга бошладим.

Кейин Ойдин Хонимга 19 июнь 2007 йил кўриқка борганимда, бошқалар каби, у ҳам мени танимади. Даволаниш яхши натижа берганидан, танам ҳам ёшарган ва тинчланган эди. Ҳолбуки, менга “касалларим ичида энг оғирларидан бирисан”, дейилган эди.

Аллоҳга чексиз шукрлар бўлсин”.

## БЕЛ ВА БЎЙИН ЧУРРАСИ (ГРИЖАСИ)

Умурткалар орасида, уларнинг ҳаракатлилигини таъминлаган ва кемирчаклардан (тоғай лардан) ташкил топган эластик тўқима парчалари мавжуд, улар диск дейилади. Ичак, буйрак ва ирсий аъзолардаги касалликлар, туз йиғилиши, яссиоёқлик, қоматнинг бузилиши каби сабаб билан дисклардан бири эластиклигини йўқотиши ва кичрайиб кўчиши, ажралиши, ва умуртка хатининг ташқарисига тошиши мумкин. Бу ҳолатга “бел чурраси”, “бел тойиши” ёки “диск тойиши” каби номлар берилган.

Бу ҳолат бўйин умурткаларининг бирида юзага келса “бўйин чурраси” дейилади. Бу бузилиб жой ўзгартириш, диск ёнидаги, оёқ ёки қўлга келган нервларни сиқиб ёки эзиб, оғриққа сабаб бўлади.

### Даволаниш:

Даволаниш ётиб дам олишдан бошланади.

Куракдан бошлаб, думғазагача бўлган майдонда, умуртқанинг икки ёнига икки чизик ҳолида 1 кун ора билан банка кўйилади. Кейин бу жойга аччиққовун ёғи, мойчечак ёғи, седана ёғи, зверобой ёғи, заққум ёғидан исталган биттаси су-

рилади ёки туз билан компрес қўйилади.

Эслатма: Банка оғриган жойга қўйилмайди, оғриган жойнинг атрофига қўйилади.

Агар фасл баҳор ёки куз бўлса, белга 11 донга зулук қўйилади. Зулуқлар тушганидан сўнг, зулук чакқан жойлар устига албатта бир неча банка қўйилади. Банка қон билан бирга бадандаги ортиқча нарсаларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. Зулук мавсуми бўлмаса, бел ва думғазадан қон олдирилади.

Булар бел оғриғини камайтиради, ҳатто йўқотиши мумкин. Лекин белнинг соғлом қолиши учун умумий даволанишнинг тугатиш керак бўлади.

Умумий даволаниш билан бирга ишлатиладиган дорилар

10 гр кундалиқ ҳлол (ҳовлужон) ва занжабил майдаланади. 30 гр тўйилган қайин ёнғоғи кўйилади ва 200 гр асал билан яхшилаб аралаштирилади. Битгунича эрта-кеч 1 чой қошиқдан ейилади. Қайин ёнғоғи кимёвий дориланмаганига эътибор бериш керак.

30-50 гр хиндёғига айни миқдор селдир барги суви аралаштирилиб уйқудан аввал ичилади.

Ёки: 21 гр сано + 24 гр томчи сақичи + 15 гр фимиан + 24 гр шакар майдаланади ва бу аралашмадан бир чой қошиқ ҳар окшом сув билан ичилади.

Заққум дарахтининг барглари эзилиб оғриган жойга қўйилади. Устига ёғли қоғоз ёпилиб бойланади ва эрталабгача туради. Уч кунда бир мартадан 3 марта такрорланади. (жаъми 9 кун).

Бу амалиёт бел оғриғини кетказди, буйракларни қувватлантиради.

Жаррохлик, умуртка диски бузилса, жойи ўзгарса, унинг атрофидаги тўқималар тамоман бузилса ёки умуртка диски умуртка илигига эзувчи таъсир қилса, қўлланилиши мумкин.

Афсуски, баъзи жаррохлар оддий бел оғриғига ҳам “бел чурраси” ташхиси қўйиб, бел чуррасига қўлланиладиган да-вони қўллайди, ҳатто амалиёт ҳам қилади.

Суяк эриши (Osteoporoz)

Суяк ва тоғай тўқималаридаги дистрофик ўзгаришларга “остеохондроз” дейилади.

Суяк тўқимаси, бошқа барча тўқималар каби, бир томондан қурилиб бир томондан бузилган тўқимадир. Ёшлиқда қурилиш тезлиги, бузилиш тезлигидан кўп.

(Давоми кейинги саҳифада)

## МУСКУЛ ВА СУЯК КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Касаллар ва қарияларда қон айланиши бузилганида, суяклардаги бузилиш тезлиги қурилиш тезлигининг устига чиқади.

Тишларнинг ва милкларнинг бузилиши суяк эриши бошланишининг белгиларидан фақат биридир.

Бу озикланиш тартибининг нотўғри, таомларнинг аралаш эканини, ичак функциясининг бузилиши натижасида қонда асид(кислота) миқдори юксалиб, жонли кальцийнинг камайганини кўрсатади.

Бу пайтда танада ўлик кальций оҳак шаклида кўпаяди. Вужуд бу кальцийни ишлата олмасдан, кальцийни тиш ва юз суякларни каби суякларидан олиб, кальций етишмовчилигини қоплашга ҳаракат қилади.

Оҳак эса суяклар агрофида тўпланиб, уларни сиқиштиради, қоннинг ва қон билан келган озик моддаларнинг суякка етиб боришини қисман тўсади.

Етарли озикланмаган суяклар заифлашади ва шундай давом этаверса, уларнинг бузилиш тезлиги тикланиш тезлигидан юксал бўлади.

Умурткадаги чурралар шу шаклда ҳосил бўла бошлайди.

Суяк эриши шикоятни билан шифокорга борган кишига кўп сут ичиши ва пишлоқ ейиши тавсия қилинади.

Касал бу тавсияларни аниқ бажарса, суяк эриши ва оҳакланиш янада тезлашади.

Бу табиий, чунки пишлоқ ва сутни ҳазм қила олиш учун аввало ичак давола-нишининг қилиниши ва озикланиш тизими-ни ўзгартириш керак. (“Сут” ва “Табиий озикланиш” бўлимларига қаранг.)

Британия оролларида қилинган палеопатологик суяк тадқиқотида қишлоқ хўжалик даврига ўтилиши ва сут ичишнинг бошланиши билан бирга остехондрознинг кўпайгани аниқланган.

Британия тарихида энг кўп сут ичилган ва энг кўп остехондроз кўрилган давр 20 ва 21 асрлардир. Бу табиий, чунки Британия халқининг кўпи сутни ҳазм қила олмайди “А” ва “О” қон гуруҳига оид одамлардир.


Суяк эришидан ҳимояланиш ёки қутулиш учун кальцийни кўп қабул қилиш эмас, тананинг ҳазм қила оладиган таомларни ейиш ва ичакларининг соғлом бўлиши муҳим.

Озикланиш одати тўғри, ичаклар соғлом бўлса, таом билан олинган кальций оз бўлса ҳам, танага етади. Чунки соғлом ошқозон ва ичаклар табиий таомларнинг кальцийни жонли формада қонга аралаштириб, хужайраларга осон етишини таъминлайди. Ошқозон ва ичаклар соғлом бўлмаса, таомларнинг ҳазми тўлиқ амалга ошмаса, қон кислотали бўлиб, кальцийни тўсиб, оҳак ҳосил қилади.

Бу ҳолатда кальций таркибли таомлар кўп ейилса ҳам, танадаги оҳак миқдори кўпайган ва суяк эриши қаттиқлашган бўлаверади.

### Суяк эришининг давоси

Ошқозон ва ичакларнинг давосидан бошлаб, босқичма-босқич барча тозаланишлар қилинади. Ошқозон ва ича-



кларнинг давоси билан бирга қон олдиришлар бошланади. Бутунлай соғлом бўлгунча сут ичилмайди. Кейинроқ, сут маҳсулотларидан қатик, кефир ва ҳафтада 1-3 марта табиий пишлоқ ёки эски пишлоқ ейилиши мумкин. (“Сут” бўлимига қаранг.)

Лекин “О” қон гуруҳлилар, ҳазм тизимларини тузатмасдан, ҳатто қатик ҳам ичишмайди. Кальций учун қунжут ва яшиллик истеъмол қилишади.

2 йил давомида ҳар куни эрталаб 200 гр грейфрут суви, сув билан бирга ичилади. Хоҳлаганлар лимон суви, қон гуруҳи “В” бўлганлар апельсин суви ичишлари мумкин.

Янги кўкатлар, хусусан турп барги, исмалоқ, шивит, газанда, сачратки, селдир барги, петрушка ва семизўти нон ўрнига ейилиши керак.

Таомларда эса табиий кальций таркибли янги сабзавотлар, кўкатлар, помидор, турп, қовоқ, қарам, сарсабил қарам, яшил барғилар, сабзи, янги ловия ейилиши керак.

Қатикни эса фақат саримсоқ ва кўкатлар билан бирга ейиш керак.

3 кунлик очликларнинг 7 марта тутилиши суяк эришини тўхтатади. 10 кунлик очлик эса, суяк эриши сабаби билан юзага келган деформацияларни мумкин қадар тўғрилайди.

Илк очликдан сўнг мўмиё ёки прополис ишлатилса, суяк тикланиши янада тезлашади. (“Асал” бўлимида “Прополис” бандига қаранг.)

“Бел оғриғи” бўлимида айtilган даво-ланиш ҳам қўлланса, тузалиш тезлашади.

Суяк эришининг бошланганини кўрсатган парадонтоз ва цингузит каби хасталиклар, 1 ва 3 кунлик очликлар билан қисқа муддатда тузалади.

Ривожланган суяк эришида ва умурткада юзага келган чурралар 10 кунлик очликлар билан тузалади. Чунки бузилган тўқималар (хужайралар) фақат очликнинг еттинчи кунидан эътиборан ўзини янгилай бошлайди.

Баъзан бир марта қилинган 10 кунлик очлик билан яхшиланиш бошланади, баъзан эса 10 кунлик очликни 2 марта такрорлаш керак бўлади.

Остеохондроз қай даражада бўлса бўлсин, бу даво услубининг фойдаси дарҳол кўринади ва мумкин бўлган туза-лиш амалга ошади.

Қарияларда ва юқори даражали оҳакланиш, суяк эриши бўлганларда оҳак эритиш жараёнининг шифокор кўригида қилиниши керак. Чунки оҳак эрити-лиши мумкин, лекин эриган оҳакнинг ўрнида ҳосил бўлган бўшлиқларни фақат ёш тўқималар тўлдиролди. Буни тўлдириш йўлини фақат мутахассис билади.

Ишиас (қуймиш асаб толасининг яллиғланиши) оғриғи -Ишиас оғриғи

жигар ва ўт пуфағи (сафро қосаси) билан боғлиқ.

Даволаниш қушиш билан бошланади. Қушиш учун 1 ош қошиқ зайтун ёғини бир стакан илик сув билан аралаштириб ичиш кифоя қилади. Қушишда қийналганлар, ошқозон устига илик сув халтаси қўйиб, икки бармоқни томоққа тикишади.

Қусгандан кейин жамбул ёки занжабил чойи ичилади.

Бир-икки соат кейин бир ош қошиқ магнезиум сульфат сув билан аралаштирилиб ичилади.

Сонларнинг орқасига банка қўйилади. 2-3 соат сўнгра ивигилган қорахантали илик сув билан аралаштирилиб, оғриган жойга сурилади. Устига ёғли қоғоз қўйиб боғланади ва 15-20 дақиқа туради.

3 кунлик очликлар тута бошланади. илк 3 кунлик очликнинг биринчи кунни қурақлар орасидан; очликдан кейинги 3-нчи кун бел ва думғазадан; 6- нчи кун тиззалардан қон олдирилади.

8-нчи кундан бошлаб 3 кунлик очлик такрорланади.

Бу очликдан сўнг 1 кун давомида мева суви ичилади ва “Жигар тозаланиши” бўлимида айtilган шаклда жигар тозланади.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) ишиас оғриқлар учун, бўз қирларда ўтлаган қўй думбасини учга бўлиб, ҳар кун бир парчасини қовуриб, оч қоринга ейишни тавсия қилганлар.

Бўз қирларда етишган қўй қуйруғида тўпланган аччиқ ўсимликларнинг шифоси хусусиятлари, жигар ва ўт пуфағи айнан “Жигар тозаланиши” бўлимида айtilган-нидек тозаланади.

Жигар ва ўт пуфағидан келиб чиққан оғриқлар даволаниш охирида йўқолади.

Фақат ҳазмсизлик давом этса, бу оғриқлар такрорланиши мумкин.

Дорилар:

2 ҳафта давомида эрта-кеч бир чой қошиқ исирик уруғини сув билан ютиш ишиас оғриқларига фойда беради.

Қоратундақ уруғини сирка билан қайнатиб, унга ботирилган мато оғриган жойга қўйилса оғриқни тиндиради.

6 миқдор дафна барги, 1 миқдор қораарча тўпи билан майдалаб туйилади ва эланади. 12 миқдор сариеғи билан аралаштирилади ва оғриган жойларга едирилиб сурилади.

Ёки: Тенг миқдорда шувоқўти, ёввойи жамбул, олтингугурт, қарағай сақичи ва дафна дарахтининг меваси майдаланади; аччиқ қовун суви ёки аччиқ қовун ёғи билан аралаштирилиб, хамир ҳолига келтирилади. Кечкурун оғриган ерга сурилади. Устига ёғли қоғоз қўйилиб боғланади ва эрталабгача туради.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Муштақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Қамолддин Йўлдош**